

Hujjat kodi: ST15111315

ZARAFSHON SHAHAR HOKIMI

Sh.Z.Sirojov

A.Sh.Shoxmirzayev

Zarafshon shahar Kambag'allikni qisqartirish va
bandlikka ko'maklashish bo'limi

Ijrosi ta'minlansin.

Muddat: 2025-yil 14-iyul



Hujjat kodi: **ST15111315**

№87/01-23

4 Iyul 2025

N.I.Raxmanov

Shahar hokimi



№ 02-02/409
04.07.2025 й.



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Навоий вилоят ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Р.Сулаймонов

” июнь 2025-йил

Навоий вилояти ҳокимлигида “Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимлари учун номзодлар танлаш бўйича ўтказилган суҳбат жараёнининг

БАЁНИ 8

2025-йил “23” июнь

Навоий шаҳри

- Раислик қилди:** - Р.Сулаймонов - Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси
- Таклиф этилган:** - М.Турдимов- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг Навоий вилояти филиали бош инспектори
- Иштирок этганлар:** - Л.Хайруллаев - Навоий вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи, комиссия аъзоси,
Тегишли туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари (рўйхат бўйича)
Тегишли туман (шаҳар) Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлими бошлиқлари (рўйхат бўйича)

Кун тартиби:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 3-декабрдаги ПФ-29-сон Фармони ижроси юзасидан Навоий вилоятидаги маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича “Ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимларини номзодлар билан тўлдириш бўйича танлов жараёнининг натижалари тўғрисида.

(Р.Сулаймонов, М.Турдимов, Л.Хайруллаев,, Р.Сулаймонов)

Аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий кўмаклашиш, уларнинг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янада такомиллаштириш, маҳаллабай ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш, Республика, вилоят, туман ва шаҳарларда кўрсатиладиган давлат хизматлари ва манзилли молиявий қўллаб-қувватлаш инструментларини бевосита маҳалла даражасига тушириш, уларга барча соҳаларда зарур шароит ва имкониятлар яратиб бериш давлат

сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 3-декабрдаги “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПФ-29-сон Фармони билан ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозими жорий этилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, ҳоким ёрдамчиси лавозимига номзодлар тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бошчилигидаги танлов комиссиялари орқали очик танловлар асосида ишга қабул қилиниши белгиланган.

Ҳозирда Навоий вилоятида 330 та ҳоким ёрдамчилари лавозимга тайинланган бўлиб, ўз фаолиятларини олиб бормоқда.

Айрим ҳудудларда танланган ҳоким ёрдамчиларининг малакаси, салоҳияти етарли бўлмаганлиги боис ўз фаолиятида ижобий натижаларга эриша олмаслик ҳамда ишдан бўшаб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ҳозирда Навоий вилояти Хатирчи туман “Чағатой” МФЙ, “Қўшчинор” МФЙ, “Фаровон” МФЙ, “Ангидон” МФЙ, Қизилтепа туман “Сўфиён” МФЙ, “Ғойибон” МФЙ, “Зарметан” МФЙ, Нурота туман “Миришкор” МФЙ, Учқудук туман “Узунқудук” МФЙ, “Боздун” МФЙ, Навоий шаҳар “Чинор” МФЙ, “Турон” МФЙ, Зарафшон шаҳар “Қурувчи” МФЙ, Конимех туман “Тўққизтепа” МФЙларда ҳоким ёрдамчиси лавозими бўйича вакант мавжуд.

Жорий йилнинг 3-20-июнь кунларида “Ҳоким ёрдамчиси” вакант лавозимларини етарли билим ва малакага эга бўлган кадрлар билан тўлдириш бўйича очик танловлар эълон қилинди.

Танловда **503 нафар** (Хатирчи туман “Чағатой” МФЙга 48 нафар, “Қўшчинор” МФЙ МФЙга 41 нафар, “Фаровон” МФЙга 38 нафар, “Ангидон” МФЙга 41 нафар, Қизилтепа туман “Сўфиён” МФЙга 28 нафар, “Ғойибон” МФЙга 39 нафар, “Зарметан” МФЙга 42 нафар, Нурота туман “Миришкор” МФЙга 38 нафар, Учқудук туман “Узунқудук” МФЙга 21 нафар, “Боздун” МФЙга 27 нафар, Навоий шаҳар “Чинор” МФЙга 48 нафар, “Турон” МФЙга 42 нафар, Зарафшон шаҳар “Қурувчи” МФЙга 28 нафар, Конимех туман “Тўққизтепа” МФЙга 22 нафар) номзодлар томонидан аризалар келиб тушиб, **233 нафар** (Хатирчи туман “Чағатой” МФЙга 18 нафар, “Қўшчинор” МФЙ МФЙга 20 нафар, “Фаровон” МФЙга 22 нафар, “Ангидон” МФЙга 20 нафар, Қизилтепа туман “Сўфиён” МФЙга 18 нафар, “Ғойибон” МФЙга 11 нафар, “Зарметан” МФЙга 12 нафар, Нурота туман “Миришкор” МФЙга 28 нафар, Учқудук туман “Узунқудук” МФЙга 13 нафар, “Боздун” МФЙга 11 нафар, Навоий шаҳар “Чинор” МФЙга 15 нафар, “Турон” МФЙга 18 нафар, Зарафшон шаҳар “Қурувчи” МФЙга 15 нафар, Конимех туман “Тўққизтепа” МФЙга 12 нафар) номзодларнинг аризалари лавозимларга қўйилган малака талабларига жавоб бериши аниқланди ва тест босқичига чақирилди. Тест босқичида **42 нафари** тестдан белгиланган тартиб бўйича етарли балл олиб, суҳбат босқичига чақирилди. Суҳбатда **13 нафар** иштирокчилар вакант лавозимлар учун номзодлик қилишди.

Танлов якуни билан комиссия аъзоларининг якуний овоз бериш

ҚАРОР ҚИЛАДИ

1. Қизилтепа тумани “Ғойибон” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимига 3 ой синов муддати билан – **Бўронов Умиджон**,

2. Зарафшон шаҳар “Қурувчи” маҳалла фуқаролар йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимига 3 ой синов муддати билан – **Орипов Бобомурод** номзодлари тавсия этилади,

3. Хатирчи туман “Чағатой”, “Қўшчинор”, “Фаровон”, “Ангидон”, Қизилтепа туман “Сўфиён”, “Зарметан”, Учқудук туман “Узункудук”, “Боздун”, Нурота туман “Миришкор”, Конимех туман “Тўққизтепа”, Навоий шаҳар “Чинор”, “Турон” маҳалла фуқаролар йиғинларида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси лавозимларига номзодлар тавсия этилмади.

Танлов комиссияси аъзолари:


Навоий вилояти ҳокимлиги ташкилий кадрлар гуруҳи раҳбари



Э.Авезов

Танлов комиссияси аъзолари:


Навоий вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси бошлиғи



Л.Хайруллаев

Танлов комиссияси аъзолари:

Навоий шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари



Ў.Ҳақбердиев

Танлов комиссияси аъзолари:

Қизилтепа туман ҳокимининг биринчи ўринбосари



Н.Хайитов

Танлов комиссияси аъзолари:


Нурота туман ҳокимининг биринчи ўринбосари



А.Бўриев

Танлов комиссияси аъзолари:

Хатирчи туман ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б



А.Нарзиев

Танлов комиссияси аъзолари:

Учқудук туман ҳокимининг биринчи ўринбосари



С.Ҳамраев

Танлов комиссияси аъзолари:

Зарафшон шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари

А.Шохмирзаев

Танлов комиссияси аъзолари:

Конимех туман ҳокимининг биринчи ўринбосари

Э.Ҳазраткулов

Баёнлаштирди:

Навоий вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси ИРРБ бош мутахассиси

Ғ.Саматов